OʻZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 20 январь, шанба • №6 (11.291) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

***Мустақиллик халқимизнинг XX аср сўнгида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси эканини, ўн йиллик мустақил тараққиёт ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, қутлуғ анъанага айланиб қолган энг улуғ, энг азиз байрамимиз - истиқлол айёмини кенг нишонлаш юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий тафаккурини юксалтиришда, олдимизда турган буюк мақсадлар сари сафарбар қилишда беқиёс аҳамият касб этишини, истиқбол режаларини ана шу ҳақиқатни чуқур англаш асосида белгилаш заруратини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 10 йиллигини кенг нишонлаш бўйича дастур тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик, идора, уюшма ва жамғармалар мазкур дастур асосида тегишли маънавий-маданий, маърифий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихини, унинг тараққиёт босқичлари ҳамда илмий-назарий масалаларини ўрганиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

Қуйидагилар ишчи гуруҳининг асосий вазифаси этиб белгилансин:

— миллий давлатчилигимизнинг кўпминг йиллик тарихини, мустақиллик йилларида унинг негизида тикланган замонавий ўзбек давлатчилигининг ўзига хос тараққиёт тамойиллари, жамиятимизнинг пировард мақсадларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш, буюк аждодларимизнинг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини, улар яратган фалсафий таълимотларни ўрганиш ва зарур хулоса ва сабоқлар чиқариш;

— мустақиллик ўз-ўзидан келмаганини, озодлик йўлида отабоболаримиз асрлар давомида кураш олиб борганини миллий истиқлол ғояси асосида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш;

— ёшлар қалбида буюк аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маданий мерosга ворислик ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришиш, жамиятимизда турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини қарор топтириш борасидаги амалий ишлар мазмунини кенг таҳлил этиш;

— истиқлол шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти том маънода юзага чиққанини, халқ хўжалигининг барча соҳаларида салмоқли ютуқларга эришилганини, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида амалга оширилаётган улкан ишлар Ватанимизнинг дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилишини чуқур асослаб бериш.

5. Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА), «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг 10 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ва мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 19 январь.

### Шанбадан Шанбагача

## ТАРАДДУД

***Вилоятимизда «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ишлари бошлаб юборилди.***

Халқимизнинг миллий байрами – Наврўз қадриятларимиз, урф-одатлар ва маросимларимизни қадрлаш билан биргаликда дўстлик, биродарлик ҳамда меҳр-оқибат айёмидир. Шунинг учун ҳам Наврўзнинг аҳамияти катта. Вилоятимизда мустақиллигимизнинг 10 йиллиги нишонланадиган 2001 йил Наврўзини ўтказиш учун алоҳида ҳозирлик кўрилмоқда.

Вилоят ҳокимининг «Вилоятда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ байрамни ташкил этиш ва ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг таркиби ва иш режаси тасдиқланди.

Ана шу режага мувофиқ яшариш, яратиш айёмига тайёргарлик бошланди, деб айтиш мумкин. Айни кунларда барча шаҳар ва туманларимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказишга ҳозирлик кўрилаётган бўлса, вилоят маданият ишлари бошқармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими шаҳар ва туманлардаги ташкилий қўмиталарга услубий амалий ва ижодий кўмакларни бошлаб юбордилар.

Ўтказилажак байрамнинг дастури жуда кенг ва хилма-хил. Бу ҳақда кейинги сонларимизда ҳикоя қилиб борамиз.

## КИНО САНЪАТИ ҲАҚИДА

***Сўнгги йилларда шаҳар ва туманларда-ги айрим кинотеатрларда аҳолига кино хизмати кўрсатиш даражаси пасайиб бораяпти.***

Ушбу соҳага етарли эътибор берилмаяпти. Кино намойиш этиладиган кўплаб бинолар бир неча йиллардан буён таъмирланмаган бўлса, айрим мавжуд бинолардан мақсадли фойдаланилмаяпти.

Вилоят ҳокимлиги вилоятда кино-видео хизмати кўрсатиш фаолиятини тубдан яхшилаш, аҳоли ўртасида ўзбек миллий кино санъатини тарғиб қилиш, кинотеатрларда кишилар, хусусан, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатадиган фильмлар намойиш қилиш орқали уларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳамда тармоқдаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан махсус қарор қабул қилди.

«Вилоят «Кино видео» давлат акциядорлик жамиятининг аҳолига кино хизмати кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор шаҳар, туман марказлари, айниқса, қишлоқлардаги кинотеатрлар ва клублар ишини қайта жонлантириш, энг муҳими халқимизга миллий кино санъатимиздан маънавий озиқ олишларида катта рол ўйнайди.

## Бугунги сонда:

3-бет

УЛУҒ ВАЗИР ЁҚУТИ

МИЛЛИЙ ПУЛИМИЗ ҲАМ ИФТИХОРИМИЗ

6-бет

4-5-бетлар
Tele daaturlar

7-бет
XXI asr va dunyo
Munosabatlar & Odamlar & Voqealar

8-бет

СЕҲРЛИ ОВОЗ СОҲИБАСИ

# *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ*

## «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида

***Олдимизга қўйган олижаноб ва буюк мақсад - миллий истиқлол ғояларини халқимиз, аввало ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида:***

1. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз, аввало ёшларимиз онгига сингдириш жараёнини таҳлил қилувчи ва такомиллаштирувчи махсус методологик комиссия таркиби тасдиқлансин.

Комиссияга таълим турлари бўйича юқори малакали олим ва мутахассислардан иборат эксперт гуруҳларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

2. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш юзасидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларини таълим турлари ва босқичларида белгиланган соат хажмлари, профессор-ўқитувчиларни малака ошириш курсларидан ўтказганлиги, педагог кадрлар учун тажрибавий дастурлар, маъруза матнлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаганлиги, ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилишнинг турли шаклларини ишлаб чиққанлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан миллий истиқлол ғоясининг илмий асосларини ишлаб чиқишга бағишланган Давлат илмий-техник дастури шакллантирилганлиги ҳисобга олиниб, уларнинг таълим жараёнига жорий қилиниши методологик комиссия томонидан ўрганиб борилсин.

3. Комиссия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда:

- барча таълим турларида мазкур фанни ўқитишда, таълим жараёни илмий-услубий томонларини жорий ўқув йилининг якунигача ўрганиш мақсадида, бир ҳафта муддатда, етарли илмий салоҳиятга эга ва тажрибали педагог кадрлари мавжуд бўлган таълим муассасаларидан иборат, мамлакат миқёсида, экспериментал майдончаларини белгиласинлар ва эксперт ишчи гуруҳларини ташкил қилсинлар;

- тайёрланаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларни юқори малакали экспертлар муҳокамасидан ўтказиб, уларнинг мазмунини алоҳида назорат қилсинлар;

- жорий ўқув йилининг якунига қадар миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда, дарсларнинг ноанъанавий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, уларни экспериментал майдончаларда синовдан ўтказиш, ижобий натижаларни янги ўқув йилидан таълим жараёнига кенг жорий қилишни таъминласинлар;

- 2001 йилнинг 25 февралига қадар олий таълим муассасалари учун маъруза матнларини яратиш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил қилсинлар;

- 2001 йилнинг 15 августига қадар умумий ўрта таълим муассасалари учун «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» дарсликларини уларга қўйиладиган талаблар даражасида қайта ишлаш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни таъминласинлар;

- жорий йилнинг 1 сентябрига қадар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун тажрибавий қўлланмани яратиш, Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил этсинлар;

- ўқув йилида орттирилган тажриба ва синовдан ўтган методик ишланмалар асосида июнь-август ойларида мазкур фандан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этсинлар.

4. Махсус методологик комиссия «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқув жараёнига жорий қилиш мониторингини олиб борсин. Унинг таҳлили асосида таълим дастурларини такомиллаштиришга қаратилган кўрсатма ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишни ташкил этсин ва амалга оширилишини таъминласин.

5. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев ва Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 18 январь.

# КОЛЛЕЖ ҚАД КЎТАРМОҚДА

***Оҳангарон шаҳрида XXI асрнинг дастлабки чорагида яна бир муҳташам ўқув маскани — саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хизмати турлари коллежининг биноси қад ростлайдиган бўлди.***

Жадал суръатларда қурилаётган ўқув биносини «Оҳангаронқурилиш» тресети бинокорлари билан бирга қўшни Пскент тумани «Бунёдкор» масъулияти чекланган жамиятига қарашли 15-ПМК қурувчилари бунёд этишмоқда.

Айни пайтда бинонинг иккита йирик ўқув корпуслари ва махсус лекция аудиторияси қурилиши жадал бормоқда.

***Аъзам САЙИДОВ.***



*Аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида Оҳангарон шаҳрида қатор дўконлар қад кўтармоқда. Ана шулардан бири яқинда фойдаланишга топширилган «Оҳангарон» супермаркетидир. Бу ерда сотилаётган турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уй-рўзғор молларини харид қилаётган аҳоли сотувчилардан хурсанд.*

***Тоҳир НИГМАТУЛЛИН олган сурат.***

**Йиғилиш**

# ОНАЛАР ВА ВОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ - ДАВЛАТ ЭЪТИБОРИДА

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашди.***

Бош вазир ўринбосари Д. Ғуломова раислигида ўтган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидаги ташкилотларнинг 2000 йил давомидаги фаолияти, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Соғлом авлод» давлат дастурининг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда мажмуа тасарруфидаги ташкилотлар томонидан «Соғлом авлод» давлат дастури ва унинг асосида жойларда қабул қилинган ҳудудий дастурларда белгиланган тадбирлар асосан бажарилгани таъкидлаб ўтилди.

***(ЎзА).***

**Анжуман**

# УНИВЕРСИТЕТДА ТАРҒИБОТ БЎЛИМИ

***Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир.***

Тошкент Давлат Аграр университетида ўтказилган тадбирда ана шу масалалар тўғрисида гап борди. Анжуманни университет ректори, профессор Ҳасан Бўриев бошқарди. Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири, таниқли ёзувчи Эркин Аъзам ҳамда иқтидорли шоир Сирожиддин Саййидлар иштирок этдилар. Оқсоқол адибимиз Саид Аҳмад ёшларга ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб зарур маслаҳатларини баён этди. Тадбирда ҳар бир қатнашчи ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир ниҳоясида университетнинг «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» марказида «Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш» бўлимини очишга келишиб олинди.

***Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.***

**Дастур**

# КОМИССИЯ ТАСДИҚЛАДИ

**Вилоятимизда баркамол авлодни воя етказиш, ёшлар онгида умуминсоний қадриятлар, миллий одоб-ахлоқни сингдириш, демократик жараёнларни такомиллаштириш, уларни юртга, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш йўлида кенг кўламли ишлар қилинмоқда.**

*Бунда ҳокимлик қошидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг ўрни каттадир.*

*Яқинда мазкур комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда ёшларни билимли, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда ҳар хил нораcмий диний оқимлар таъсирига кириб қолиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан 2005 йилгача мўлжалланган тадбирлар дастурига мувофиқ 2001 йилда амалга ошириладиган ишлар тасдиқлаб олинди.*

*Олти бобдан иборат дастурдан жой олган тадбирларни бажариш юзасидан мутасадди бўлим, бошқарма, идора ва ташкилотларга аниқ вазифалар юкланди.*

## Alisher Navoiy tavalludininig 560 yilligiga

# Улуғ вазир ёқути



Ҳиротнинг кичик дарвозасидан кирган савдогару сайёҳлар, усталару ҳунармандлар, наққошу мусаввирлар орасида Ҳиндистон сафаридан қайтаётган Московия савдогари Микула Тверитин ва унинг ҳамроҳи хаттот Рамзий ҳам бор эди. Темурий Ҳусайн Бойқаро мамлакатининг пойтахтида Рамзий бир неча марта бўлиб, рус ерларига сафарга чиққан Эроний савдогарлар карвонига бошчилик қилганди. Шунинг учун у бу ернинг расм-русумлари, одату удумларини яхши билар эди. Рамзий савдогар Микулани тўғридан-тўғри улуғ вазирнинг саройига бошлади.

— Ташрифни биз аввал Мир Алишерни зиёрат қилишдан бошлаймиз, — деди Рамзий ўзининг ўрис ҳамроҳига тушунтириб. — Чунки, Мир Алишер бу мамлакатда Султон Ҳусайндан кейинги одам. У нима деса, султон «йўқ!» демайди, шу йўлни тутади. Мир Алишер лозим топса, ёнингга бир-икки ҳамроҳни қўшиб, юртингга элтувчи бехавотир йўлларгача кузатиб қўяди.

Микула Тверитин ҳуржунидаги жавоҳир тошларни сийпаб, анча хотиржам бўлди. Ҳиндистон сафарида унга совға қилинган бу жавоҳирлар, унинг назарида барча Твер савдогарларининг молларини жамлагандаги умумий нархдан ҳам юқори эди. Туркман чўлларию дашти Қипчоқ йўлларида кезиб юрган қароқчиларнинг қўлига тушса, у бисотидаги шу ягона бойлигидан ҳам, бошидан ҳам жудо бўлиши аниқ. Йироқ шимол мамлакатига эса шу хатарли чўлу даштлардан бўлак йўл йўқ эди. Юрганларнинг омонлигини эса фақат Хуросон мамлакати султонининг ҳомийлиги, унинг берган ёрлиғи сақлаши мумкин...

Хизматчи йигит уларни меҳмонхонага олиб кириб, ўзи икки букилиб таъзим қилиб, чиқиб кетди. Сал ўтмай уйга кирган баланд бўйли, тик қоматли кишининг қиёфаси Тверитиннинг кўз ўнгида, «Йўл кундаликлари»да абадий қолди: «Мир Алишер хипча белли, кенг елкали, баланд бўйли, тик қоматли ва жуда хуш юзли эди. Унинг тим қора қошлари остидан катта-катта сурмаланган кўзлари кишига бироз ҳорғинлик билан мулойим боқиб турарди. Мир Алишернинг юзида шундай илиқлик бор эдики, уни кўрган одам беихтиёр ер ўпиб, унинг оёғи гардини юзкўзига суртишга тайёр эди».

Шарқона салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашлардан кейин бўлган суҳбат мазмуни Рамзийнинг таржимасисиз ҳам Микулага очиқ-ойдин эди. Чунки, улуғ вазирнинг нуроний чеҳрасидан яхшилик аломати балқиб турарди.

— Улуғ вазир, куни кеча Хитой савдогарлари сотишга келтирган ўрис бандиларини бориб кўришингни сендан сўраяпти, — деди Рамзий Микулани туртиб.

— Улар Ҳиротга қандай келиб қолибди? — сўради Рамзийдан ҳайрон бўлиб қолган Микула. — Уларнинг ичида Олтин Ўрдадан қочганлар ҳам бормикин?

— Улар иккитами ёки ўнтами энди фарқи йўқ. Барчаси пешонасидагини кўрмоқда. Қисматдан инсон ҳеч қачон қутула олмайди, — деди Рамзий ва Алишернинг сўзларини таржима қилди. — Сен сафарда юрганингда жаҳонда кўп ўзгаришлар бўлиб ўтибди. Энди сенинг юртингга Олтин Ўрда қўрқинч туғдиролмас эмиш...

— Ия, биз ўрисларни улуғ вазир қаердан билар экан? — деб сўради Микула ҳайрон бўлиб.

Хаттот Рамзий савдогарнинг саволини Мир Алишерга таржима қилиб берди. Улуғ вазир енгил бир жилмайиш билан деворга осиғлиқ шоҳи пардани аста тортган эди. Тверитин ва Рамзийнинг кўз ўнгида, жавоҳир тошлар билан безатилган харита намоён бўлди. Харитадаги Ҳирот ўрнида, катталиги бир олманинг ярмидек келадиган ҳаворанг ёқут ўрнатилган бўлиб, ундан чиқаётган нур кўзни оларди. Мирзо Улуғбекнинг ҳисоби бўйича меридианлари белгиланиб, координатлари аниқ тузилган бу харита Камолиддин Беҳзод бошчилигидаги ҳиротлик мусаввирлар томонидан ишланганди. Ўша даврда маълум бўлган барча давлатларнинг чегаралари етарлича аниқлик билан кўрсатилган, ҳатто ўрис князликлари ҳам назардан четда қолмаганди.

Тверитин улуғ вазирнинг ижозати билан, бу ажойиб харитага бироз яқинлашди.

— Харитадаги қора рангли ерлар ўрмонзорлар, — тушунтирди Мир Алишер. — Ҳирот, ҳозирги кунда, ҳақиқатан ҳам жаҳон кўзгусидир. Қўшни давлатлар ўзларининг қўшнилари ва улардан ҳам олис мамлакатлар ҳақида бизга кўп ахборотлар бериб туради. Ҳирот савдогарларининг ҳар бири шахсий, бой китобхоналарига эга. Сенинг Итил туркларини қўлидан қочганинг ҳақида Омонбек деган одамимиз хабар қилган. Яқинда боқийликка юз тутган Абу Саид бўлса, сизларнинг қадим Ҳиндистондан биз томонга йўл олганингизни ёзган эди... — Улуғ вазир ҳаёлга чўмиб, хонани тамом эгаллаган афғон гилами устида юмшоқ қадам ташлаб, у ёқдан бу ёққа юрди. Сўнгра яна харита олдига келиб тўхтаб гапида давом этди. Рамзий бўлса таржима қилиб турди. — «Саъбаи Сайёр» достонида сенинг юртинг ҳақида ҳам сўз юритиш ниятим бор... Сенинг ташрифинг ҳақида султон Ҳусайнни хабардор қиламан. Ҳирот савдогарлари сенга лойиқ ҳурмат кўрсатишлари ва Московияга бўладиган сафарингга сенга йўлдош бўлишлари ҳақида фармон бўлади. Иншооллоҳ!

Микола Тверитин она тупроғига бир ўзи ўғрилардек эмас, балки қўлида Хуросон мамлакатининг султони Ҳусайн Бойқаронинг шахсий вакили деган олий ёрлиғи бўлган ҳамроҳ билан навкарлар ҳимоясида бориши аниқ бўлди. Микула жавоҳирлар солинган чарм халтачасини очиб, Мир Алишерга узатди. Сўнгра Рамзийга қараб илтижо қилди:

— Улуғ вазирга айт, қўлимни қайтармасин. Ҳиндистондек ўлкадан келган бу жавоҳирлардан истаганча олсин.

Мир Алишернинг чеҳраси бироз ўзгарди.

— Тошларнинг ҳам худди жони бордек... — деди у харитада Ҳирот ўрнига қадалган ёқутни силаб. — Улар ҳам туғилиш ва ўлиш, ўсиш, чарчаш, касал бўлиш хусусиятларига эгалар. Жавоҳир тошлари ҳам бир кимсани севади, унга хизмат қилиб, яхшиликка элтади, бало-қазолардан асрайди: Агар севмаса, душманлик ҳам қилади, дардга чалинтиради.

— Ё алҳазар! — деди Рамзий ёқасини ушлаб.

— Мана шу ёқутни Бадахшондаги Кўҳи Хазрат конидан топишган. Асхад деган бир кимса уни яшириб, бир қорига ишлатмоқчи бўлган. Жавоҳирга бундай гуноҳ иш ёқмаган кўринади. Кўп ўтмай Асхад ақлдан озиб, савдойи бўлиб қолди. Жавоҳирни ўз ихтиёри билан бизга келтириб топширгач, соғлиғи ҳам тикланди. Мана энди бу жавоҳир харитадан ўзига муносиб ўрин олиб, яхшиликка хизмат қилмоқда, — деди Алишер Навоий. — Биздан кейин бу жавоҳир кимларнинг қўлига тушиши, у кимсаларнинг қисмати нима бўлиши ёлғиз Оллоҳгагина аён... Жавоҳирларинг ўзингга сийлов. Бизда улар жуда кўп, муҳтож эмасмиз.

Орадан ўн етти йил ўтгач, яна сафарга чиққан рус савдогари Микула Тверитин Исфахон султонининг қабулида бўлганида, ҳаяжондан оғзи очилиб қолди. Чунки, султоннинг жиғасида бир вақтлар у Ҳиротда бўлганида Мир Алишер харитасида кўргани ажойиб кўкимтир ёқут ярқираб турарди.

— Жиғамдаги жавоҳирни танийсанми? — сўради султон.

— Ҳа, танийман! — деди Микула Тверитин Мир Алишернинг қиёфасини эслаб. — Бу ахир улуғ вазир ёқутику?!

— Улуғ вазирнинг оламдан ўтганига ўн икки йил бўлди. Уни Оллоҳ раҳмат қилсин! — деди Исфахон султони маъюсланиб. — У ўлди, аммо номи қолди.

Исфахон султонининг саройида бир ўрис савдогарининг оғзидан кутилмаганда «Улуғ вазир ёқути» деб чиқиб кетган сўз, бу ноёб ҳаворанг ёқутга берилган абадий ном бўлиб қолди. Оғирлиги 374 қирот, 118та қиррали юзага эга бўлган ва гардишига «Мир Алишер» деб ёзув битилган ёқут ўзининг ҳақиқий эгаси Алишер Навоийдан кейин олти қароқчи ва ўн тўрт савдогарнинг қўлидан ўтди. Буни қарангки, ёқутни босқинчилик билан қўлга киритган олти қароқчининг тўрттаси ханжар дамидан ҳалок бўлди, бири эса денгиз гирдобида чўкиб ўлди. «Улуғ вазир ёқути» беш султоннинг тожига қадалди. Бу султонларнинг биронтаси ҳам жанг майдонида талофат кўрмади, доимо ғалаба қилиб, шон-шуҳратга эришди. Уларнинг бешталаси ҳам узоқ умр кўриб, ўз ажали билан ҳаётдан кўз юмишди.

Улуғ Навоийдан бошлаб ўзининг ажойиб тарихига эга бўлган «Улуғ вазир ёқути» 1958 йилдан Вашингтондаги Смитсон институтининг хусусий мулки ҳисобланади ва унинг музейида сақланади.

**Аъзамжон АЗИМОВ.**

# ЯПОНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармасида (Бошгидромет) шу муассасага Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг техник ёрдамини топшириш маросими бўлиб ўтди.*

Бошгидромет мутахассислари ўзларига берилган кимёвий реактивлар, стандартлар, ёрдамчи ускуналар ва ташкилий техникадан атроф-муҳитнинг, чунончи, ҳаво, сув ресурслари ва тупроқнинг ифлосланишини мониторинг қилиш сифатини оширишда фойдаланади.

Ускуналарни топшириш маросимида JICA нинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Х.Нино дунёда табиат ифлосланиши тобора кучаяётгани сабабли экология муаммолари билан шуғулланувчи илмий муассасалар фаолияти муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

**ЎзА мухбири.**

*Қилмиш-қидирмиш*

# «ЭГАСИЗ» МОЛЛАР УШЛАБ ҚОЛИНДИ

*Ака-ука Раҳимжон, Ҳакимжон, Ёқубжон Юсуповлар пул топиш, «тадбиркорликнинг» антиқа йўлини танлашди.*

Нима кўп, мол бозорида мол кўп. Талашасан, тортишасан, савдони пиширасану, бошқа бозорга олиб бориб пуллайсан.

Шоввозлар нархи 360 минг сўмлик икки бош қорамолни олдилару, одатдагидек Қозоғистон ҳудудидаги бозор томон йўл олдилар.

«Зах» кўчма божхона пости ходимлари уларни тўхтатиб, саволга тутишди:

— Чорва молларини бошқа давлатга ноқонуний равишда олиб ўтиш мумкин эмаслигини, улар четга олиб чиқиш тақиқланган 13 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатига киришини биласизларми?

— Чорвачилик етти хазинанинг бири, — деб юборди Юсуповларнинг кичиги шошиб қолганлигидан нима деяётганлигини тўлиқ англаб етмай.

— Чорвачилигу тадбиркорлик билан чайқовчиликнинг фарқига бормай қолган, моддий бойликларни четга ташишга ҳаракат қилган Юсуповлар содир этган ҳолат бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда, — деди Тошкент вилояти божхона бошқармаси ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи Пўлат Жозилов мухбиримизга. — Сўнгги бир ой ичида «Тезкор гуруҳ» аъзолари, «Ғиштқўприк» божхона комплекси ходимлари томонидан айланма йўл орқали, «эгасиз» ўнга яқин мол юртимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётганда ушланди. «Регистон» божхона пости ходимлари нархи 222 минг сўмлик икки бош бузоқни айланма йўллар орқали олиб ўтаётган Комилжон Бегимқуловни тўхтатдилар. Мазкур ҳолатлар бўйича ҳам суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

# МИЛЛИЙ ПУЛИМИЗ ҲАМ ИФТИХОРИМИЗ

***Мустақиллигимиз бизга эркимиз, миллий байроғимиз, гербимиз, қомусимиз билан бир қаторда миллий валютамизни ҳам берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб миллий сўмимиз муомалага киритилди. Шу йили Марказий банк қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500 сўм бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва тангаларни муомалага чиқарди.***

Ҳукуматимиз миллий валютани молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш, унинг қадрсизланишини камайтириш, ички ва халқаро обрўсини ошириш учун кўплаб тадбирларни амалга оширмоқда. Макроиқтисодиётнинг барқарорлашуви, 1995 йилдан ташқи савдода ижобий сальдога эришилиши, валюта захирамизнинг ошиши ва сўмимизнинг товарга нисбатан эквивалентлик ҳолатини белгиловчи бир қатор омиллар умумдавлат сиёсати орқали ижобий ҳал қилинмоқда. Бу масаланинг бир томони. Иккинчиси бу – ҳар биримизнинг ўз миллий пулимизга муносабатимиз бўлиб, қуйида гап уни яхши томонга ўзгартириш хусусида боради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир киши кўпроқ пул топишга интилади ва у орқали оиласини боқади, ўзининг шахсий эҳтиёжларини қондиради. Демак, ҳар бир киши пулдан турли даражада бўлса-да, фойдаланади. Энди «бели синмаган» пулларимизни, ҳозирги кунда Марказий банк муомалага киритаётган янги банкнотларнинг қиёфасини кўрингу, 1994 йилда муомалага киритилган атиги беш йил муомалада бўлган айрим қоғоз пулларни ғижимланиб, кўриниши бир ҳолатдалигига қаранг. Пулимизни шу ҳолатга тушишига сабабчи ким? Бизнинг ўзимиз, пулимизга бўлган муносабатимиз. Ўйламаймизки, истеъмолга ярокқсиз, бир холатга келиб қолган пулларни алмаштириш учун давлатимиз қанчалар ортиқча харажат қилади.

Шунинг учун бугун пулнинг муомаладаги фойдаланиш даврини узайтириш, муомала маданиятини янада кўтариш тўғрисида фикр ва мулоҳазаларимни муштарийлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Агар эътибор берган бўлсангиз, ўзаро олди-сотдиларда ўртасидан йиртилган, бир неча марталаб елимланган, ҳатто қалам ёки ручка билан ёзиб ташланган пул қўлимизга тушиб қолади. Хусусан, жамоат транспортида бундай аҳволга доим дуч келамиз. Кўпинча йўловчи ва кондуктор ўртасида бўлаётган дилни хира қилаётган можароларга гувоҳ бўламиз.

Пул – бизнинг миллий валютамиз, давлатимиз рамзи, савдо ва ҳисоб-китобнинг асосий воситаси, республикамиз молия тизимининг асоси, ҳар бир фуқаро турмуш тарзининг барометри... Пулимиз доллар ёки бошқа пул бирлиги билан баб-баробар эътиборли. У қанчалар янги, тоза, ғубор қўнмаган бўлса шунчалар кишида ғурур ҳиссини кучайтиради.

Мамлакатимизга ҳар йили минглаб хорижлик сайёҳлар, бизнесменлар келиб кетишяпти. Қанча чет элликлар бизда ишлашяпти. Фараз қилинг, ночор аҳволдаги пулимиз уларнинг қўлига тушиб қолди. Унда ҳорижда бизга нисбатан қандай фикр пайдо бўлиши мумкин?

Миллий валютамизнинг ҳолати яхши даражада бўлиши, муомаладаги даврини узайтириш борасида каминанинг бир нечта фикрлари бор. Аввало чиқарилаётган пулларнинг қоғози сифатини, пишиқлик даражасини доимий суратда ошириб борсак, айни муддао бўларди. Бу борада кўп йиллик тажрибага эгамиз. Улардан фойдаланишимиз мумкин. Масалан, тарихдан маълумки, IX–XVI асрларда ишлаб чиқарилган Самарқанд қоғози ўша вақтда дунёдаги энг сифатли саналган. Ҳозирги фан-техника юксалиши даврида бу муҳим масалани ҳал қилса бўлади.

Эрамиздан аввалги VII асрда Хитойда танга пуллар муомалага киритилган ва ҳозиргача улардан бутун дунё фойдаланиб келмоқда. Уларнинг афзал томонлари борми? Тан олиш керак, танга пулларнинг таннархи қоғоз пулларга нисбатан бироз қимматга тушади. Лекин танга пулларнинг муомалада бўлиш муҳлати 75-100 йилни ташкил этади. Шунинг учун муомалага 5, 10, 25 сўмлик танга пулларни чиқариб, чакана савдо, транспорт, маиший хизмат ва шунга ўхшаш соҳаларда асосий муомала воситасига айлантирилса фойдали бўлар эди.

Ишлатилавериб яроқсиз ҳолга келган банкнотларни банклар алмаштиришга қабул қилмаса бу тадбир ҳам анча яхши самара бериши мумкин. Ҳатто пуллардан фойдаланиш, уни олиб юриш, сақлаш, савдо, ҳисоб-китоб жараёнида уни буклаш, ғижимлаш, қалам ёки ручка билан ёзишни ман қилиш, айбдорларга эса катта миқдорда жарима солиш ёки жиноий жавобгарликкача тортиш чораларини ҳам ўйлаш лозим. Чунки пулимиз – давлатимиз рамзи экан, уни азиз тутмаганлар ўз жазосини олиши керак.

Яна катта миқдордаги пул билан савдо қилувчи дўконлар, фирмалар, корхоналар, бизнесмен, савдогарлар ва бошқалар ўзларига тушган пулларни белини резинка билан боғлаш ўрнига банклардаги каби қоғоз белбоғ қилишса яхши бўларди.

«Пулимизга бўлган муносабатимиз» сингари мавзуларда радио, телевидение ва матбуотда эшиттириш, кўрсатув ва мақолалар бериб борилса, мактаблардаги тарбия соатларида тушунтириш ишлари кучайтирилса, аҳолининг тарбиявий-сиёсий онгини ўстиришга ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган бўлар эди.

Мустақиллигимиз туфайли эга бўлган ўз пулимизни яхши ҳолатда, узоқ муддатда муомалада юриши, қадрининг ҳамиша баланд бўлишига жамиятимизнинг ҳамма аъзолари ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб ўйлайман.

***Зоҳиджон БОЗОРОВ,***
***Тошкент Молия институти «Ўзбекистон тарихи» кафедраси катта ўқитувчиси.***



*Мағзини чақсангиз*

## «ПУЛ ПУЛНИ ЧАҚИРАДИ»

Бойиб кетиш орзусида юрган бир киши саррофнинг пештахтада ётган бир уюм пулларига тикилиб қолибди. Шу онда хаёлига «Пул пулни чақиради», деган мақол тушиб қолибди. Билдирмай ёнидаги беш дирҳамни саррофнинг пулларига қўшиб қўйибди. Кун кеч бўлиб, сарроф ақчаларни йиғиштираётганда эса додлаб қолибди:

– Беш дирҳамимни бер, ноинсоф,

– Сени пулинг бу ерда нима қилади?

Ҳалиги киши бўлган воқеани айтиб берибди. Шунда сарроф дебди:

– Тўғри айтасан, пул пулни чақиради. Сени пулинг битта бўлгани учун менинг пулларим унга қулоқ солишмаган. Сенинг беш дирҳамингни кўплашиб, чақириб олишган. Энди тақдирга тан бер. Беш дирҳаминг меники бўлиб кетди. У сенинг бўш ҳамёнингга боришни истамайди.

## «ПУЛИНГ БЎЛСА – ЧАНГАЛДА ШЎРВА»

Доимо камхарж бўлиб юрадиган Абу Сумбул бозорда харид қилаётган қўшниси Ғулом Асрийга кўзи тушиб қолибди. У қўли билан кўрсатган маҳсулотларни гумашталари олиб улгуролмасмиш. Ғулом Асрий қўлига битта помидор, битта сабзи, битта шолғом, шунга ўхшаш нарсаларни олиб, сифатини кўраётган экан. Абу Сумбулнинг назарида унинг қўлида худди лаззатли таомнинг буғи чиқаётгандек бўлиб туюлибди. Шунда у беихтиёр: «Пулинг бўлса таом қўлингда ҳам пишаверар экан», деб юборибди. Бу гап аввал бозорга ёйилиб, роса кулги бўлибди. Бора-бора бутун Шарққа «Пулинг бўлса – чангалингда шўрва» қабилида тарқалиб кетган экан.

## «ЕМА, ИЧМА, БЎЛ БАХИЛ...»

Ғайрат Абрў илк бор қўлига теша олиб, устачилик қилиб, бир олтин танга ишлабди. Кечқурун яхшилаб харжлаб, мазза қилай, деб бозорга йўл олибди. Лекин олтин тангани харжлашга сира кўзи қиймабди. Саҳарда яна мардикор бозорга бориб, ишга ёлланибди. Шу тариқа Ғайрат Абрў уйида на нонушта, на тушлик, на кечки овқат қилмайдиган бўлибди. Бир куни санаб кўрса ақчаси минг танга бўлиб қолипти. Буни қарангки, заминдорнинг ҳам йиллик даромади минг олтин танга экан.

– Қандай тўпладинг? – қизиқишибди усталар.

– Емоқ, ичмоқни бас қилиб, пул йиғишга ружу қўйдим, – дебди Ғайрат.

– Бориб турган баҳил экансан-ку.

– Бировга ҳеч қарз бермадингми? – сўрабди яна биттаси.

– Йўқ, бировга пул берсам жоним чиқиб кетай, дейди.

– Эгнингга тузукроқ кийим олдингми?

– Йўқ.

– Уй солдингми? Бола-чақа қилдингми?

– Йўқ.

– Ундай бўлса яшашингдан нима фойда, – дейишибди усталар Ғайрат Абрўга. «Ема, ичма, бўл баҳил, бой бўлмасанг, мен кафил», деган мақол ўшандан қолган экан.

## БОБО БИЛАН НЕВАРА

(Қадим қўлёзмаларда ўқиганим)

*Невараси бир куни,*
*Сўрар Дониш бободан:*
*Пулми ёинки одам –*
*Нима азиз дунёда?*

*— Қўлнинг кири мол-дунё,*
*Сира вафо қилмаган.*
*Аҳли дониш шу сабаб*
*Бойлик нима билмаган.*

*Бордир шундай усталар,*
*Ҳавони ҳам пул қилар.*

*Сеҳрлидир ақча, ҳа,*
*У ўзига қул қилар.*

*Атрофга боқ, болажон,*
*Тийрак, зийрак кўз билан.*
*Ҳаётда бордир мезон*
*Сенга айтай сўз билан:*

*Ҳар нарсанинг нархи бор,*
*Шу гапнинг сираси-да.*
*Пул асли муносабат –*
*Одамлар орасида.*

*Сувдан тортиб, меванинг,*
*Нархи бор, баҳоси бор.*

*Фақат бировда кам-у,*
*Бировда пул кўп, бисёр.*

*Керак бўлмасди сира,*
*Одамзотга пул, инон.*
*Ишлаб топган пулига,*
*Сотиб олмаса у нон.*

*Шул сабаб эй, болажон,*
*Тер тўкиб, топгин ҳалол,*
*Ўзинг яшаб беармон,*
*Пулинг кўрмайди завол.*

**Темур УБАЙДУЛЛО.**

# БУШ ҚАНДАЙ КАРОМАТ КЎРСАТАРКИН?

**_Бугун туш пайтида АҚШнинг 42-президенти Билл Клинтон Оқ уйдаги президент уйи — Юмалоқ хонани 43-президент кичик Жорж Бушга бўшатиб беради. Шу куни янги президентни «Тахтга ўтириш» маросими ҳам бўлиб ўтади._**



Билл Клинтон саккиз йил мобайнида жаҳондаги энг қудратли давлатнинг бошлиғи бўлиб турди. Унинг иш юритиш қобилиятини, ҳар қандай шароитда, ҳатто оғир вазиятда ҳам барча билан тил топишиб кетишини, ахборотларни яшин тезлигида таҳлил қила олишини, ўз нуқтаи назарини қатъий ҳимоя қилишини, энг муҳими, исталган пайтда сувдан қуруқ чиқа олишини жаҳон оммавий ахборот воситалари кўп бора қайд этганлар. Шунинг учун ҳам «Вашингтон пост» газетаси: «Клинтон фавқулодда қобилиятли сиёсатдон эди ва шундай бўлиб қолади. У бу сифатларидан америкаликлар ҳаётини тубдан ўзгартиришга фойдаланмади. Унинг сиёсати айнан шу билан ўзига хос бўлди. Лекин умуман олиб қараганда, барча шов-шувларни инкор этмаган ҳолда айтадиган бўлсак, унинг президентлиги ҳайратда қоларли даражада енгил кечди».

Чиндан ҳам Клинтон Бушга кўнгилчанликни мерос қилиб қолдиряпти. Жорж Буш айни пайтда ўзининг бир қатор режалари билан давлат тепасига келаётгани аниқ. У ҳозирданоқ бир нечта вазирликларнинг раҳбарларини алмаштириб улгурди. Бушнинг президентлик лавозимига расман ўтиришига бағишланган тантаналарда 750 мингдан зиёд киши қатнашди. 18 январдан бошланган мушакбозлик поёни йўқ концертларга уланиб кетди. Вашингтон кўчаларида юз минглаб одамлар ўзларини томошаларга урдилар.

Ҳозир жаҳоннинг барча бурчакларида ҳамманинг хаёлида бир сўз: Жорж Буш нима каромат кўрсатаркин? Олдинги хизматдошии сингари юмшоқ табиатли бўлиб иш юритармикин, ёки батамом янгича йўл тутармикин? Чунки АҚШда юз берадиган ўзгаришлар



сўзсиз жаҳондаги сиёсий муҳитга таъсир этмай қолмайди. Ҳар нима бўлганда ҳам у ўзининг отаси собиқ президент Жорж Буш сингари тинчлик учун курашиши аниқ. Янги асрнинг энг муҳим талаби — шу!

# ИМИЛЛАГАН БАШОРАТЧИ

Ниццада яшовчи Рене де Чемер энг секин башорат қиладиган илми ғайб эгаси деб тан олинди. Уни ярим йил кузатишгандан кейин шундай хулосага келишди. Рене ўз мижозларининг фикрларини ўқиб, қандай бўлса шундай бехато айтиб бера олади. Фақат орадан анча вақт, тўғрироғи, икки-уч ой ўтгандан кейин. Бунгача мижозлар нега унинг олдига борганини унутиб юборишса керак...

# XXI asr va dunyo

**Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar & G`aroyibotlar**

## «ОСКАР» ШУҲРАТ – ЙИГИТ РОҲАТ

*Гвинет Пэлтроу «Оскар» мукофотининг ҳайкалчасини қўлга киритиб, зиёфат берганидан кўпчиликнинг хабари бор. Зиёфатда у Скотт Спидмен билан қуюқлашиб, жуда хурматини ўрнига қўйиб юрди. Уларнинг бунчалик бир-бирининг пинжига киришидан ҳижолат тортган Пэлтроунинг отаси: «Улар шунчаки дўст, Спидмен қизимдан уч ёш кичкина, укаси тенги», деб изоҳ берди. Гвинет эса кулиб: «Укам тенги бўлса ҳам яхши йигит, жуда уятчан, ақлли, талантли, отам ҳам унга тегишимга рози» демоқда. «Оскар» соҳибасига бундай қилиш яхши эмас», дейишса, у «Оскар» шуҳрат учун, эр эса роҳат-фароғат учун» деб кулармиш.*

## РОБИНЗОН БЎЛИШ ҚИЙИН

*Йигирма тўрт ёшли ўн олти йигит-қиз Тинч океанидаги одам қадами етмаган оролда ўн ҳафта яшашга рози бўлишди. Тажриба ташкилотчилари уларни ибтидоий шароитларда бўласизлар, деса ҳам, бизга барибир деб жавоб қилишди. Лекин ҳамма нарса улар кутгандек бўлмади. Бир қиз бир ҳафтадан кейин ўзини сувга ташлаб, ороладан қочиб қолди. «Телевидение, телефон, қаҳваю бутербродсиз ҳаёт менга бемаза», деди у кетар чоғида. Қолганларининг ҳам роппа-роса икки ҳафтада бўлари бўлди. Фақатгина бир-бирига ошиқ бир йигит билан қиз ҳеч нарсага парво қилмай — муҳаббат ҳар нарсадан устун келди чоғи — яшайверишди.*

*Бечора Робинзон Крузо роса иродали бўлган экан-да.*

## Жаҳоннинг машҳур кишилари

# АГАР БЎЛСАЙДИМ СУЛТОН...

«Кавказ асираси» бадиий фильмидаги бу ашулани ким билмайди, дейсиз. Лекин султон бўлганда Бруней султони Ҳасан ал Балкиах каби бўлаоласизми?

Бруней султонини жаҳоннинг энг бой кишилари рўйхатига қўшишмайди. Унинг бойлиги ҳамманикидан бир неча марта кўп бўлса, бунга не ҳожат?! Султоннинг ҳозирги бойлиги 50 миллиард Америка долларига тенг. Жаҳонда таниқли бўлган «Женерал моторс» саноат концернининг бойлиги бундан икки марта кам. Энг бадавлат бўлган «Майкрософт» компаниясининг «шефи» Билл Гейтсда «атиги» 40 миллиардга яқин бор, холос. Жаҳоннинг энг бадавлат аёли бўлмиш инглиз қироличаси Елизавета IIнинг бойлиги 11-12 миллиарддан озгина ошади.

1946 йил 15 июлда туғилган, Калимантан оролининг шимолий соҳилида жойлашган кичкина Бруней давлати султони Муда Ҳасан ал Балкиах Муиззаддин Ваддаула олий ҳазратлари ҳозирча дунёда танҳо. Турар жой тўғрисида у ташвиш чекмаса ҳам бўлади. «Гиннеснинг рекордлар китоби»га киритилган серҳашам Истон-Нурул-Иман саройи олий зотнинг хизматида. Саройнинг умумий майдони 205 минг квадрат метр. Сарой 1788та хонали. Султоннинг иккита хотини бор. Иккинчисини олганда, у тўй совғаси сифатида расмий нархи 300 миллион фунт стерлинглик яна битта ажойиб сарой қурди.

Ҳокими мутлақ тасарруфида жуда катта гараж бор. Султон машиналарни коллекция қилади ва кайфиятига қараб ўзининг бир юз олтмиш бешта «Роллс-ройс»ларидан бирида, ё уч юз дона бўлган спорт машинасида сайр қилади (улардан бири «Феррари»га олтин қопланган). Бироқ, унинг кичкинагина давлатида атиги 100 километрлик автомобиль йўллари бор. Унда маза қилиб машина ҳайдашнинг ҳам иложи йўқ. Велосипед бўлса бошқа гап эди. Яна сарой қошида вертолёт майдончаси, 200та зотли тулпорлари учун отхона ҳам бор.

Бруней султони ўз ёшлиги ўтган мамлакат – Британияда дам олишни ёқтиради. Бир неча йил аввал 26 миллион долларга Саудия Арабистони қиролидан унинг Лондондаги қароргоҳи – Англиядаги энг қиммат хусусий уйини сотиб олди.

Балкиахнинг Лос-Анжелесдаги саройида 10та ётоқхоналик уйи, 5та ётоқхоналик меҳмонлар учун вилла, 6та ётоқхоналик қўриқчилар учун уй ва 26та автомобилга мўлжалланган гараж бор. Яна спортзал, кинотеатр, рақслар зали ва чинниларни сақлаш хонаси ҳам жойлашган. Уйнинг нархи 70 миллион доллар туради.

Италиянинг Сардиния оролида эса унга энг экологик тоза ерлар (бир неча гектар) ёқиб қолди ва у уч миллиард долларга сотиб олишга тайёр, деган гаплар тарқалган.

Бруней султонининг дабдабали байрамлари тўғрисида афсоналар юради. Ўзининг 50 йиллигига сайёранинг барча ҳукмрон кимсаларини таклиф этди. 300та меҳмонлар учун 15 миллион долларга еғулик тайёрланди, кишиларни хушнуд этган хонандалар эса ғоят катта гонорар олишди. Масалан: бир нечта қўшиқ айтган Элтон Жон ярим миллион доллар олди. Сурункасига уч кун қўшиқ айтган ва рақс тушган Майкл Жексонга султон 13 миллион доллар тўлади!

Бироқ, маълумки, бойлик ҳасадни туғдиради. Яқинда султонникига ўғри тушди! Ўғрилар Лондондаги султонга тегишли уйнинг биринчи қаватидаги деразадан киришга муваффақ бўлишди. Бу аср ўғирлиги бўлди! Ўшанда Бруней султонининг бойлиги 10 миллион фунт стерлингга камайди.

Султон бундан унча ҳафа бўлмади. У Сингапурга жўнаб кетди ва аламини босиш учун «Боинг-737» самолётини ва «Ломбаржини» автомобилини сотиб олди.

Бруней султонининг бойдавлатлиги гарови – нефть. Брунейда биринчи нефть фаввораси 1929 йил чиқди, шундан сўнг унинг йирик конлари очилди. Бугун йирик нафть империяси ҳисобланган ушбу кичкинагина давлатда киши бошига даромад (Брунейда 300 минг киши истиқомат қилади) салкам 20 минг доллар бўлиб, бу АҚШга қараганда 2 минг доллар ортиқ. Хазинаси ҳар соатда 229 минг долларга кўпайиб турибди. Ҳаражатлар ҳам шунга яраша.

Бировнинг пулини ҳисоблаш одобдан эмасу, лекин бу бахтиёр инсон ҳақидан билиб қўйган яхши-да...

***Голиб МИРЗО тайёрлади.***

# ҚИСҚА САТРЛАРДА

→ **ҚУДДУС**. Исроил билан Фаластин вакиллари ўртасида ўтказилган навбатдаги тинчлик музокаралари ҳам самарасиз якунланди. Фаластин вакили Соиб Арикотнинг айтишича, унда Қуддус шаҳри мақоми, қочқинларни қайтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган. Бироқ томонлар бу борада бирор якдилликка эриша олмаган. Томонлар музокараларни яна давом эттиришга келишиб олган, холос.

→ **ТОКИО**. Япония ташқи ишлар вазири Иохэй Коно мамлакат Бош вазири Иосиро Мори билан Россия президенти Владимир Путин ўртасидаги учрашувининг аниқ муддати бир неча кундан сўнг маълум бўлишини айтди. У Москвада Россия ташқи ишлар вазири Игор Иванов билан музокара ўтказиб, бўлажак учрашув масаласини муҳокама қилди. Маълумки, томонларнинг навбатдаги олий даражадаги мулоқотини Иркутск шаҳрида ўтказиш мўлжалланган.

→ **САН-САЛВАДОР**. Бир неча кун илгари Салвадорда юз берган кучли ер силкиниши оқибатида қурбон бўлганлар сони етти юз кишига етди. Мамлакат фавқулодда вазиятлар миллий қўмитаси маълумотига қараганда, қурбонлар сони янада ошиши мумкин. Чунки шу вақтгача мингга яқин одам бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Табиий офатнинг мамлакат иқтисодиётига келтирган зарари бир миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди.

## Юлдузлар ҳаётидан

### ЯШАСИН, ЖАНЖАЛ

Жексонлар оиласи ҳам истеъдоди, ҳам жанжалкашлиги билан барчага маълум. Уларнинг оиласидан яна жанжалнинг «ҳиди» келиб қолди. Бу сафар Жанет Жексоннинг севгилиси Рене Элизандо «майдон»га тушди. У қўшиқчидан саккизта рақамли маблағ талаб қилаяпти. Агар Жанет уни беришдан бош тортса, Рене Жексонлар оиласига мағзава ағдариб, бутун сир-асрорини очиб, шарманда қилиб, китоб ёзмоқчи. Узунқулоқ гапларга қараганда Жанет ва Рене ҳуфёна эр-хотин бўлиб олишган. Мабодо Рене китобини эълон қилса, ҳамма сир ошкор бўлади. Рене ҳатто Жанетнинг аёлларга ишқибозлик қилишини очиқ-ойдин айтмоқчи. Унга барибир: Жанетдан 10 миллион доллар оладими ёки китобига ундан ҳам кўпроқ қалам ҳақи оладими? Ҳарҳолда бирон чора кўрилмаса шов-шувлар авжига чиқиб, иғвогарларга худо берди деяверинг.

### ИТДАН КЎРА КИМ ЯХШИ?

Хью Грант ва унинг маъшуқаси Лиз Харли яқинда Лос-Анжелесдаги болаларни фарзанд қилиб берувчи идорага ариза беришди. Бундан ҳамма ҳайратда. Сабаби яқин-яқингача улар зотдор кучук боласини асраб олишмоқчи эди. Хьюнинг кўринган аёлга осилавериши, ошиқона юрганлари, ҳавойилиги ҳаммага маълум. Лекин оила қургач, албатта, болали бўлган яхшида. Грантнинг ўзи ҳам: «Эрга тегиб, бир-иккита болали бўлиб, ажойиб уйда истиқомат қилиш – ажралиш дегани эмас...» деган экан. Ниҳоят, уларда ота-оналик туйғуси устун келган бўлса не ажаб. Лиз билан Хью кейинги пайтларда бир-бирини ардоқлаб, иззат қилиб юрган эмиш. Болалик уйдаги жанжал тарбияга салбий таъсир этади-да.

## БУ дунёнинг ИШЛАРИ

### ҒОЗЛАР, ОЛҒА

Италияда жуда антиқа расм-русумлар, урф-одатлар кўп. Уларнинг бири ғозлар билан боғлиқ. Итальянлар ғозларни жуда яхши кўришади. Байрамларда уларни энг тўрга ўтказишади. Ишонасизми, у ерда ғоз гўштини деярли ҳеч ким емайди. Чунки у илоҳий ҳисобланади.

Ғозлар кросси ҳақида эшитганмисиз? Италиянинг Лачирелли шаҳрида ҳар йили рождество байрамида югуриш мусобақалари ўтказилади. Унда фақат ғозлар иштирок этади. Ғолиб чиққан ғозларни қимматбаҳо мукофотлар кутади. Одамлар, «ғолибни», унинг эгасини шарафлаб, ҳамду сано ўқишади. Сабаби қачонлардир Рим шаҳрини мана шу ғозлар ёвлар босқинидан сақлаб қолган экан. Қанотли жониворларга раҳмат айтиш, мана неча асрлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келаяпти.

## *Доно сўз дунё кезар*

*Ҳикматни ёзганлар сенгача минглаб,*
*Сен ҳам ёзавергин халқ сўзин тинглаб.*

* * *

*Бунчалар ширинсан, оғзимдаги тил,*
*Бунчалар бўлмасанг захару қотил!*

* * *

*Беайб Парвардигор деганлари рост,*
*Янглишмоқ чиндан ҳам инсонларга хос.*

* * *

*Меҳмону иззатдан тўймоқдир мумкин,*
*Лек ширин суҳбатдан тўймоқ не учун?*

* * *

*Яхшилик қилмоқни одат айлагил,*
*Яхшилик ишқида доим ён, кўнгил!*

*Касалнинг кўзига дунё қоронғу,*
*Гар асал едирсанг туюлар оғу.*

* * *

*Ўзгага ақл ўргатмоқ мушкул,*
*Ўргатгил, лек аввал отингдан тушгил.*

* * *

*Аччиқ сўз айтганман гар бир инсонга,*
*Демакки, изн бердим, афсус, шайтонга.*

* * *

*Гўё кайфиятга бу дунё ўхшар,*
*Қуёш бир беркиниб, бир кўрсатар рухсор.*

* * *

*Кўнглимнинг осойиш бўлгани вақти,*
*Бу менинг бахтимдир, бу сенинг бахтинг!*

**Абдусаттор ХОТАМОВ.**

# СЕҲРЛИ ОВОЗ СОҲИБАСИ

## *8-саҳифа меҳмони*

***Инсон овозининг қудрати ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бир калима сўзни ҳар бир инсон ўзига хос талаффуз этади. Орамизда сеҳрли овозга эга бўлган санъат фидойилари талайгина. Ўзбекистон халқ артисти Ойбарчин Бакирова бутун умрини, куч-ғайратини санъатга бағишлаган, ёқимли ва мағрур овозли актрисалардан биридир. Унинг отаси Аббос Бакировни ва онаси Қамара Бурнашевани санъат мухлислари яхши билишади. Ойбарчин Бакирова кейинги йилларда ўзбек киноижодкорлари суратга олган «Клиника», «Армон», «Амирнинг ҳуфя саёҳати», «Алиф ва Лайло», «Йўл бўлсин» каби фильмларда турли характердаги ролларни муваффақиятли ижро этди. Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилаётган кўплаб фильмларга овоз бериб, мухлислари эътиборини қозонди.***



**– Ойбарчин опа, биз ўз она тилимизга ўгирилган фильмларни жуда қизиқиб томоша қиламиз. Аммо уларга овоз берган санъаткорлар меҳнати кўпчиликни қизиқтирмайди. Овоз бериш жуда осон, жўн иш кўринади, назаримизда.**

– Шуни ёдда тутмоқ лозимки, овоз бериш тақлидий санъат эмас, балки ўзига хос ижоддир. Санъаткор фильмга овоз берар экан биринчи навбатда ўз қаҳрамонини мукаммал ўрганган бўлиши шарт: у ким, қандай одам, мақсади нима, нималарга қодир – ҳаммасини билиши керак. Актёр қаҳрамони билан нафас олмоғи, ундан бир қадам ҳам ортда қолмаслиги, кулса – чин дилдан кулиб, йиғласа – юракдан йиғлаши лозим. Ана шу барча ҳолатларни томошабинларга етказиб бериш санъаткор зиммасида.

**– Ҳозир кўп вақтингизни дубляжга – таржимага бағишлаяпсиз. Дубляжга қай йўсинда кириб қолганлигингизни эслайсизми?**

– 1973 йили «Ўзбекфильм» студиясида иш бошлагандим. Илк овоз берган фильмим «Ҳур қизлар»даги кичик эпизод эди. Менга режиссёр Софа Имонқулова устозлик қилганлар. «Менга сўз беринг» фильмидаги бош қаҳрамон образига овоз берганимда анчагина қийналганман. Софа опа мен билан жуда кўп ишлардилар. Мен эса ён-атрофимдаги санъаткорларнинг кузатаётганларидан ҳижолат бўлардим. Опа эса «Атрофингдаги ҳамма нарсани унут, экрандаги ҳаётга шўнғиб кет! Фақат қаҳрамонингнинг овозини эшит» дердилар. Биласизми, опа бошқа режиссёрлардан фарқли ўлароқ сабрли, қаноатли эдилар. Бугунги кунда техника шу қадар тез юксаляптики, фильмлар ҳам яшин тезлигида суратга олиняпти, таржима қилинаяпти.

**– Бугунги кунда дубляж қилинган фильмлардан кўнглингиз тўляптими? Ҳозир бутун бошли фильмга икки-уч актёр овоз беряпти...**

– Биласизми, кинода, катта экранга чиқадиган бадиий фильмларда овоз алоҳида тасмага ёзилади. Шунинг учун синхрон дубляж қилишнинг имконияти бўлади ва ҳар бир персонажга алоҳида-алоҳида актёр чақирилади. Синхрон таржимада ҳам ҳолат, ҳам сўзлар бурро бўлиши керак. Бу қийин ва кўп вақт талаб этадиган юмуш. Ҳозирги видеофильмлар дубляжи бутунлай бошқача. Битта тасмада ҳам овоз, ҳам тасвир бор. Уни ўчириб ташлаб, фақат ўзбекча таржиманигина ёзсак, бўшлиқ пайдо бўлиб қолади. Бунда мусиқа ва бошқа керакли шовқинлар ҳам ўчиб кетади.

**– Ойбарчин опа, кўп ҳолларда киночилар келиб-кетган жойлар вайрона жойга айланиб қолади, деган танқидий сўзларни эшитиб қоламиз. Сиз бунга қўшиласизми?**

– Бу сўзларда маълум маънода ҳақиқат бор, лекин ҳар доим ҳам эмас. Одатда ҳар бир фильм декорацияси учун пул, маблағ ажратилади. Мэлис Абзалов режиссёрлик қилган «Армон» фильмини суратга олиш учун жой излаганда, режиссёримиз қишлоқда харобага айланган масжидни таъмирлашни таклиф қилдилар. Бутун қишлоқ аҳли ҳашарга келди. Масжид қишлоқнинг баланд ерида жойлашганди, шундай сўлим жой эдики, асти қўяверасиз. Кўпчиликнинг меҳнатидан сўнг бу ер обод бўлди. Биздан эсдалик бўлиб қолди. Балким, шунинг учун «Армон» одамларнинг севимли фильмларидан бирига айлангандир, яна ким билади дейсиз!

**– Мухлисларингизни, газетхонларимизни бугунги кунда қандай юмушлар билан банд эканлигингиз албатта қизиқтиради.**

– «Маугли» мультфильмини кўпчилик яхши билади. Ана шу фильм дубляжи нималардир сабаб бўлиб ўчиб кетган экан. Режиссёр Йўлдош Абдукаримов раҳбарлигида қайтадан дубляж қилдик. Мен қоплон Багирага овоз бердим. Бундан ташқари, катта экранда, режиссёр Музроб Муҳамедов «Фазли» деб номланган бадиий фильмни суратга олиш ишларини тамомлади. Мен ушбу фильмда бош қаҳрамоннинг холаси – Ҳалимани ижро этдим. Бу ёвуз аёл образи бўлса, Ўлмас Алихўжаев ва Фарҳод Аминовларнинг «Аёл макри» саргузашт фильмида ижобий ролни ўйнадим. Бу ролларимга энг одил баҳони томошабинлар беришига ишонаман.

***Суҳбатдош Маъпура НАБИЕВА.***

## *Bolalik bog'i*

# QADRDON DO`STLAR

**Oftob:** — Oftob uradi, deyishadi. Ajabo, qandoq uray, mening qo`lim bo`lmasa? Men bolalarni yaxshi ko`rsam. Ular yesin deb, daraxtlarni nurim bilan o`stirsam...

**Bola:** — Oftobjon, xafa bo`lma. Sen biz bolajonlarning eng yaqin do`stisan. Sen do`st bo`lib, dushmanning ishini qilmaysan. Bolalar faqat nuringda ko`p yurmasliklari kerak. Aks xolda loxas bo`lib qolishadi.

**Suv:** — Tog`lardan ayqirib-hayqirib tushaman. Siz bolalarni ko`rarmikanman, deb qancha yo`l oshaman, shoshaman.

**Bola:** — Salom zilol tog` suvi! Har tomching obi-hayot! Sen shaharlardan o`tib, turli chiqitlardan loylanasan, moylanasan. Zilollikdan dard tashuvchi dardisarga aylanasan. Seni pok, ozoda saqlash — bizning vazifamiz.



***Erkin MALIKOV.***

## Биласизми?

! Америкалик аёл Кэрол Бичем 1959 йил 2 апрелда бир дақиқа ичида 176та сўз ёзган.

! Америкалик Алфред Волфрам 1990 йил 15 сентябрда саккиз соат ичида 8001 киши билан ўпишган.

! Перулик Фелипе Карбонелл 1993 йил 29 июнда бир соатда 345 латифа айтиб улгурган.

! Инглиз адибаси Агата Кристининг 1997 йилда чиққан романларининг умумий тиражи 44 тилда 2 миллиард нусхага етган.

! Эрмитаж музейи суратхоналарининг умумий узунлиги 30 чақиримга яқин. Музейда 3 миллиондан ортиқ санъат асарлари сақланмоқда.

! Леонардо да Винчининг «Жоконда» асари энг қиммат – 100 миллион долларга баҳоланган.

! Японияядаги Хонсю ва Сикоку оролларига қурилган кўприкнинг узунлиги 14,5 чақирим.

! Швейцариядаги Саас-фи қишлоғида 1993 йилда баландлиги 30 метрлик қорбобо ясалган.

Сергели туманидаги «ХОНОБОД СЕРВИС» шўъба хўжалик жамиятига корхона ва ташкилотларни хўжалик юритувчи субъектлар давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида статистика органлари томонидан 1999 йил 21 апрелда 034569 рақам билан берилган йўқолган **ГУВОҲНОМА БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор туманидаги 439-сонли болалар боғчасининг йўқолган думалоқ муҳри **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## *Яшил майдонда нима гап?*

### ИРИСМЕТОВ ТЎП КИРИТДИ, ЛЕКИН...

Миллий терма жамоамиз Исроилда ўқув-машғулот йиғинларини ўтказди. Аввал хабар берганимиздек, Москванинг «Спартак» жамоаси ҳам бу ерда чемпионлар лигасининг баҳорги мавсум ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда эди. Бу эса «Спартак» билан ўртоқлик учрашувини ўтказишга имкон берди. Учрашув 3:2 ҳисобида «Спартак» фойдасига ҳал бўлди. Дарвозамизга киритилган голнинг биттаси москваликлар сафида тўп сурган, ўтган мавсумдаги тўпурармиз Жаъфар Ирисметов номига ёзилди.

Иккинчи ўртоқлик учрашувини ҳамюртларимиз Исроил терма жамоаси билан ўтказишди. Бу сафар ҳам жамоамиздан омад юз ўгирди. Исроилликлар 2:0 ҳисобида устун келди.

* * *

Олимпиячилардан ташкил топган иккинчи терма жамоамиз Ҳиндистондаги «Мингйиллик кубоги»да иштирок этаётганини маълум қилган эдик. Биринчи учрашувни японияликларга бой берган эдилар. Ҳамюртларимизнинг иккинчи ўйини ҳам муваффақиятсиз бўлди. Улар бу сафар чилилик футболчилардан 2:0 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Олимпиячиларимиз гарчи, ҳиндистонликларни 5:0 ҳисобида енган бўлсаларда, кейинги босқичга чиқа олмадилар.

### ОМАДИНГ КЕЛГАНДА ДАВРИНГНИ СУР

Рейтер ахборот агентлигининг маълум қилишича, Аргентина терма жамоаси ҳамда «Бока Хуниорс» клубининг ҳужумчиси Мартин Палермо Испаниянинг «Вильяреал» клубига ўтаётганлигини айтди. «Вильяреал» клубининг Палермо билан қизиқиб қолишига асосий сабаб «Реал» ва «Бока Хуниорс» ўртасидаги қитъалараро кубок учрашувида ҳужумчининг «Реал» дарвозасига икки тўп киритганидир.

Аргентиналик футболчи кейинги ҳафта испанияликлар сафига келиб қўшилиши мумкин. Клуб президентининг айтишича, Палермо билан боғлиқ барча ишлар битган, у билан тўрт ярим йиллик шартнома тузилганлигини ҳам маълум қилган. Лекин ҳужумчини «Вильяреал» сафида қанча миллион долларга тўп суриши ҳозирда сир сақлаб турилибди.

## *Об-ҳаво*



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 20–24 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда қисқа муддатли ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Кечалари ва эрталаблари туман тушади.

Ҳарорат кечалари 4 даража совуқ, бир даража илиқ, кейинчалик 2–7 даража совуқ, кундуз кунлари эса, 2–7 даража атрофида илиқ бўлиши кутилади.

TOSHKENT HAQIQATI
*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-2004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

***"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.***

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6